

Жами суғурта мукофоти 336 000,00 (Уч юз ўттиз олти минг) сўм 00 тийинни Қ.Қ.С.сизташкил этади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига (унинг филиалига ёки суғурта агентига) мажбурий суғурта шартномасини тузиш вақтида пул ўтказиш йўли билан бирйўла тўланади. Суғурта мукофотининг тўланган куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

4.4. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

5. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғуртатовони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу кабитўловларни қопламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурталаш қоидаларида белгиланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур шартномадаги томонлар учун ҳам тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар мазкур шартнома доирасида бир-бирларига маълум бўлган махфий маълумотларни сир сақлашлари шарт.